

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Ғ.

Мусаҳҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

А. Акбаров Ҳайнрих Ҳайне ва аёллар.....	94
Г. Орипова Ўзбек шеърлятида ижровий лирика тарихи ва тадрижи.....	101
О. Барзиев Фарғона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик туркумлар.....	108
Д. Турдалиев Ўзбек достончилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	114
Ю. Каримова “Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода воситалари.....	123
Д. Муратова XX аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оилавий кадриятлар тасвири.....	127

ТИЛШУНОСЛИК

А. Мамажонов, А. Саминов Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик.....	133
М. Мамажонов Диалогик дискурда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир.....	138
Р. Ахророва Ўзбек ва француз тилларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши.....	144
Х. Қодирова Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шаклланган айрим лақаблар.....	148
Ҳ. Дўсматов Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....	152
Ш. Шокиров, Д. Қозоқбоева Инглиз тилида “ear – кулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	159
Т. Яндашова Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопоэтикаси.....	163
Г. Тожиева Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши.....	168
З. Раджабова Ўқув фразеографияси лексикографиянинг махсус бўлими сифатида.....	173

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Х. Турсунов, Ю. Минаматов, И. Мўминов Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишнинг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари.....	182
М. Каримова, З. Арипов, М. Оламова Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари.....	189
С. Умаров Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари.....	193
С. Аъзамов Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш.....	197

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ИЖРОВИЙ ЛИРИКА ТАРИХИ ВА ТАДРИЖИ
ИСТОРИЯ И ЭВОЛЮЦИЯ РОЛЕВОЙ ЛИРИКИ В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ
HISTORY AND EVOLUTION OF ROLE LYRICS IN UZBEK POETRY

Орипова Гулноза Муродиловна¹

¹Орипова Гулноза Муродиловна

– ФарДУ ўқитувчиси, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада ўзбек шеъриятида ижровий лириканинг шаклланиш босқичлари, тарихи ва тадрижи, ижровий лирика табиатида хос жиҳатлар тадқиқ этилган. Эркин Воҳидовнинг ижровий лирикага мансуб шеърлари таҳлили орқали ҳозирги ўзбек шеъриятининг шаклий-мазмуний янгиланишлари кўрсатиб берилган.

Аннотация

В статье исследуются этапы формирования ролевой лирики в узбекской поэзии, её история и эволюция, своеобразие природы ролевой лирики. На примере анализа стихов ролевой лирики Эркина Вохидова показано обновление формы и содержания современной узбекской поэзии.

Annotation:

The article examines the stages of forming role-playing lyrics in Uzbek poetry, its history and evolution, the originality of the nature of the role lyrics. Using the example of the analysis of poems of the role-playing lyrics, Erkin Vokhidov shows the updates of forms and contents in modern Uzbek poetry.

Таянч сўз ва иборалар: ижровий лирика, лирик кечинма, сарлавҳа, сарлавҳа ости изоҳи, рамка унсурлари, шаклий ва мазмуний янгиланишлар.

Ключевые слова и выражения: ролевая лирика, лирическое переживание, заголовок, подзаголовочное примечание, рамка элементов, обновление формы и содержания.

Key words and expressions: role lyrics, lyrical experience, heading, subheading comments, frame of elements, update of shape and content.

Лирикада “ролевая” атамасига биринчилардан бўлиб рус олими В.В.Гиппиус муносабат билдирган. Унинг “Некрасовнинг XIX аср рус шеърияти тарихидаги ўрни” номли мақоласида Кольцов ва Некрасовларнинг ижровий лирикага мансуб шеърлари ҳақида баҳс юритилган [1,267-268]. Ижровий лирика табиати, структур-семантик, стилистик хусусиятлари Б.О.Корман, А.М.Гаркави, В.П.Скобелева каби рус олимлари томонидан назарий-таҳлилий аспектда текширилган. Б.О.Корман ижровий лириканинг стилистик хусусиятларига урғу бериб, стилистик бўёқдор сўзлар муаллиф билан ўзаро боғланган образ “мен”нинг муайян ижтимоий-маиший ва маданий-тарихий муҳитини кўрсатишда характерли функция бажариши, шеърда ижро этувчи муаллиф фикри ва туйғусини ифодалашда турли стилистик элементларнинг таъсири ҳақида фикр юритган [2,390]. Ижровий лириканинг

моҳияти шундай англашиладики, бундай шеърларда муаллиф ўзининг шахси билан эмас, турли қиёфадаги қаҳрамонлар шахси орқали “ижро” этади.

“Ролевая лирика” атамаси немисча “Rollenlyrik” сўзидан олинган бўлиб, китобхон бундай шеърларни биринчи шахс томонидан ҳикоя қилинган шеърий асар сифатида қабул қилади. Чунки шеърдаги ижровий характер лирик “мен”нинг матндаги иштирокини намоён этмайди. Яъни, “муаллиф шеър матнидаги иштироки гўё қаҳрамони билан қоришиб кетгандай, у яширин тарзда ўз қаҳрамонига “сўз” беради” (Б.О.Корман). Лирик асарнинг субъектив ташкилланиши икки ҳодисада: “ички алоқадорлик” ҳамда қаҳрамоннинг ҳеч қачон муаллифдан тўлиқ ажрамаслиги тарзида намоён бўлиши С.Н.Бройтман қарашларида кузатилади [3. 310]. Кўринадики, ижровий лирика – бу, “лирик кечинма ўзга шахс тилидан ифода этилувчи шеър. Яъни,

бунда шоир гўё ўзга шахсга эврилади, унинг “рол”ини ижро қилади” [4. 110].

Ўзбек адабиётида профессор Д.Қуроноф “ролевая лирика” атамасини “ижровий лирика” сифатида талқин этади ва ўзга шахснинг ҳис-туйғуларини унинг ўз тилидан “мен” шаклида ифода этувчи шеърларни ижровий лирикага мансуб, деб кўрсатади. Яъни бундай шеърларда лирик субъект ҳам, лирик кечинма объекти ҳам шоирдан ўзга шахсдир. Улуғбек Ҳамдамнинг “XX аср ўзбек шеърятининг асосий хусусиятлари” номли мақоласида ҳам “ижровий лирика”га оид айрим мулоҳазалар қайд этилган. Жумладан, “Ижтимоийлашган шеърятнинг кўнгилдан воқеликка юз буриши, эпик ва драматик тур билан рақобат ҳамда ўзаро алоқа-таъсир шароити лирик асарнинг субъектив ташкилланишида ўзгаришларга, лирик субъект тушунчасининг кенгайишига замин бўлди. Энди шеърда “лирик мен”

қатори “ўзга”нинг кечинма субъекти бўлиши (ижровий лирика, персонажли лирика), кечинмани объект тасвири ёки тавсифида акс эттириш (тавсифий лирика, воқеабанд лирика) мумкин бўлдики, бу, янги шеърятнинг тасвир ва ифода имкониятларини кенгайтди”.

Тадқиқотимиз ижровий лирикани диахроник аспектда ўрганишни тақозо этади. Унинг илк куртаклари халқ кўшиқларида учрайди. Масалан, “Ёр-ёр”лардаги келин, унинг дугоналари, опаси тилидан ижро этилган кўшиқларда лирик кечинма улар шахси орқали ифодаланган. Халқимизда ота хоҳиши фарзанд учун, айниқса қиз бола учун инкор қилиб бўлмас бурч ҳисобланади. Ота қизининг раъйига кулоқ тутмай, уни номуносиб хонадонга (мол-мулк, бойлик эвазига) узатиши, бундай аянчли қисматдан келин бўлмиш қизнинг дардли кечинмалари қуйидаги сатрларда

ифодаланган:
Оқ милтиқ, қора милтиқ,
Отган отам, ёр-ёр.
Ўз қизини ёт кўриб,
Сотган отам, ёр-ёр.

Кўшиқдаги оқ ва қора милтиқ деталари рамзий маъно касб этиб, оқ милтиқ – отасининг вояга етказганлиги, бахтли болалиги, уйдаги фаромуш кунлари рамзи сифатида келган бўлса, қора милтиқ – отанинг ўз жигаргўшасига бегоналардай муносабатда бўлиши лирик қаҳрамон изтиробини оширади.

Қизнинг онага айтилган дил сўзларида ҳам лирик кечинма келин тилидан ифодаланган:

Оқ кўйлагим енгини
Ситдим, она, ёр-ёр.
Оқ сутинга рози бўл
Кетдим, она, ёр-ёр

Халқ кўшиқларида оқ ранг поклик, буғуборлик рамзи бўлиб келган. Юқоридаги сатрларда оқ сут бериб, оқ ювиб, оқ тараган, оппоқ орзуларга буркантириб ўстирган мушфиқ онаизорини ташлаб, ўзга хонадонга келин бўлаётган қизнинг қалб туғёнлари айтилган.

Ёр-ёрларнинг лирик баён шакли турли хил бўлиб, бир ўринда келиннинг дугоналари тилидан ижро этилса, бошқа ўринда қизнинг опаси тилидан айтилади:

Шалдир-шулдур қамишга
Сирғам тушди, ёр-ёр.
Синалмаган йигитга
Синглим тушди, ёр-ёр.

Опанинг сингил тақдирдан қайғуриши, “синалмаган йигит” билан оила қуриши қамишзор орасига сирғасининг тушиши билан қиёсланган.

Деҳқончилик билан боғлиқ халқ кўшиқларида ҳам ижровий лирикага мансуб жиҳатларни кузатиш мумкин. Аксарият қўш кўшиқлари қўш тортувчи ҳайвон тилидан шикоят тарзида айтилади. Олим Р.Носировнинг фикрича, қўш тортувчи ҳайвон тилидан шикоят мазмунидаги тўртликлар очликдан мадори кетган ҳўкизнинг қўшга

АДАБИЁТШУНОСЛИК

қандай ярашидан хавотир олиши мотивлари билан умумий композицияни ташкил этади.

Шохларим газ-газ қулоч,
Устида ўйнар қалдирғоч,
Ҳайдай десам, вой, қорним оч,
Мен қўшга қандай ярайин?!

Бўйнимда бор бўйинтуруқ,
Омочлари шарақ-шуруқ.
Оқшом борсам охир қуруқ,
Мен қўшга қандай ярайин?!

Қўшиқ қорни оч, мадори қуриган, бўйнига бўйинтуруқ бўлиб осилган омочнинг шарақ-шуруқи баттар очлик ҳиссини ошираётган ҳўкиз тилидан айтилган. Демак, ўзбек шеърлятида ижровий лирикага хос дастлабки белгилар халқ қўшиқларида мавжуд бўлган.

Ўзбек адабиётида XI асрда яратилган “Девону луғотит турк” асаридаги ёз билан қиш тортишуви таърифланган тўртликларда ҳам ижровий лирикага хос жиҳатлар учрайди. Масалан,

Сендан қачар сундилач,
Менда тинар қарғилач.
Татлиғ ўтар сандувач,
Эркак тиши учрушур.

Ёз билан қиш тортишувини таърифлаб, шундай дейди: ёз қишга айтади: саъва сендан қочади. Қалдирғоч ва бошқа қушлар менда бўлади. Менда булбул ёқимли сайраши билан одамларни шодлантиради. Бутун ёз эркак ва урғочи қушлар жуфт-жуфт бўлиб қўшилишади [5, 194]. Маҳмуд Кошғарий ёз фаслининг қишга қарата “мен” тилидан айтган тўртлиги орқали ижровий лирикага мансуб куртакларни яратган. Худди шундай қиш фасли нутқи воситасида ифодаланган ҳолатни ҳам кузатсак, шоир қишнинг тилидан ёз билан мунозарага киришади:

Сенда қопар чазанлар
Қузғу синак жиланлар.
Дўк мин қужу тўмэнлар
Қузруқ тикиб жўгрўшўр.

Қиш билан ёз тортишувини таърифлаб, қиш ёзга айтади: сенда чаёнлар, пашша, чивинлар, халққа озор берувчи ҳар хил ҳашаротлар бор. Сенда илонлар думларини ўраб (гажак қилиб), халққа ҳамла қиладилар.

Шунингдек, мазкур асарда ўзга шахс (куёв) тилидан мурожаат қилинган тўртликка эътибор қаратилса, Маҳмуд Кошғарий ижровий лирика қаҳрамони “куёв” тилидан “саҳна”га чиқади ва унинг “рол”ини ижро қилади:

Бердим сена қалин
Эмди муни олин.
Эмгаг мэнин билин
Оғрар тўнўр барғали.

Куёв қайин отасига айтади: сизга – оила қуриш ва хонадонига келин қалин бердим, буни олинг. Бу молни туширишга бел боғлаган куёв йигит. тўплашдаги қийинчиликларимни Шеърда муаллиф иштироки яширин тушунинг. Маълумки, халқимизда ҳолда ижровий лирика қаҳрамони қадимдан куёвларнинг келин учун қалин тилидан сўзлайди. Кўринадики, турли пули бериш одати анъанага айланган. Келтирилган тўртликда куёв қайин шахслар лирик кечинма субъектига отасига келин учун машаққатлар эвазига айланади. Бундай шеърлар эса ижровий лирикага мансуб, деб аталади.

Ижровий лириканинг кенг тўплаган қалин пулини оз-кўп демай оммалашиши рус адабиётида XIX асрда олишини илтижо қилиб айтмоқда. Бундан Некрасов ижодида бўй кўрсатган бўлса, кўринадики, шеърнинг асосий қаҳрамони

XX аср бошлари янги ўзбек шеъриятида эса Чўлпон ижоди мисолида сара намуналари яратилганлигини айтиш мумкин. Шоирнинг “Мен ва бошқалар” шеъри ижровий лирика жанрида яратилган бўлиб, шеър сарлавҳасига ғоявий-бадиий функция юклайди. Маълумки, лирик асар композициясида шеърнинг матний қурилиши алоҳида аҳамиятга эга. Унда асосий матн ва рамка унсурлари фарқланади. “Мисра ва бандларга бўлиниш асосий матнга тааллуқли бўлса, сарлавҳа, жанр қайди, эпиграф, бағишлов, шеър ёзилган сана ва жой қайди рамка унсурларидир” [6,39]. Демак, шеърнинг “Мен ва бошқалар” деб номланувчи сарлавҳаси лирик кечинма

Кулган бошқалардир, йиғлаган менмен,
 Ўйнаган бошқалар, инграған менмен.
 Эрк эртакларини эшиткан бошқа,
 Қуллик қўшиғини тинглағон менмен.

Шеърда ижровий лирика қаҳрамони ўз юртида озодликни истаб, баралла овози халқига етиб бормаётган, боғларидан, қанотларидан айрилган ҳурликка ташна шахсдир (халқдир). Шеърнинг биринчи бандидаги “йиғлаган”, “инграған”, “тинглағон” қофиядош сўзлари қаҳрамоннинг ҳазин, маъюс, оғриқли кечинмаларини ифодалаб, мисралар сўнгида такрорланган “менмен” радифи орқали мустамлакага айланган диёрида ўйнаб-кулган бошқалар-у, ўз ватанида

субъектига айланган ижровий лирика қаҳрамонининг ҳис-кечинмаларини англаш учун семантик калит вазифасини бажарувчи рамка унсуридир. Ижровий лирика табиатига хос жиҳатлардан яна бири шоир сарлавҳа остида лирик кечинма субъекти ҳақидаги қисқа изоҳлар (ижтимоий ҳолати, ёши, миллати, касби, ҳаракатланаётган ўрни в.х.)ни келтиради. Мазкур шеърда ҳам шоир “Ўзбек қизи оғзидан” тарзидаги сарлавҳа остида изоҳ келтириб, китобхонга шеърнинг лирик қаҳрамони мустабид тузумнинг қулига айланган, эркака ташна ўзбек қизи эканлигини англатади. Шоир лирик қаҳрамон кечинмаларига эврилиб, унинг нутқи орқали ижро этади:

“куллик қўшиғини тинглаётган” жафокаш халқнинг миллий ўзлиги йўқолиб бораётганидан қайғуради. Бу эса шеърнинг трагик пафосини намоён этади. Эътибор берилса, шеърнинг бошланишидан то охиригача “мен” сўзи асосидан ташкил топган “менмен” радифи ҳамда “бошқалар” сўзининг такроридан шоирнинг поэтик ғояси ва шеърнинг структур-семантик оҳангдорлиги яққол намоён бўлади. Буни қуйидаги жадвал асосида кузатиш мумкин:

Менмен	Бошқалар
йиғлаган	кулган
инграған	ўйнаган
қуллик қўшиғини тинглағон	эрк эртакларини эшиткан
қанот бор, лекин боғланғон	қанот бор, кўкка учадир
боғ йўқдир, шох йўқдир, қалин девор бор	шохларға қўнадир, боғда яйрайдир
сўзлари садафдек, товуши найдек	сўзлари садафдек, товуши найдек
куйим бор. Уни-да деворлар тинглар	куйини ҳар ерда элга сайрайдир
қамалғон	Эркин
ҳайвон қаторида саналғон	

Шеър мисраларидаги “и”, “э”, “у”, “а” унли товушлар такроридан ҳосил бўлган ассонанс воситасида қаҳрамон кечинмаларидаги ингроқ, эзгинлик, увиллаб йиғлаш, алам, надомат ҳислари бўртиб кўринади. Шунингдек, “Эрк

эртакларини эшиткан бошқа” мисрасидаги “э” товуши такроридан ҳосил бўлган аллитерация ҳодисаси асосида эркака ташна халқнинг озод ватан ҳақидаги орзулари ифодаланган. Адабиётшунос А.Сабириновнинг таъкидлашича:

АДАБИЁТШУНОСЛИК

“Мустамлака сиртмоғига янада қаттиқроқ банди бўлган юртнинг туманли истиқболи ҳақидаги изтиробли ўйлар Чўлпон шеърятининг мағзини ташкил этади” [7,35]. Шеърнинг сўнги “Ҳайвон қаторида саналғон менмен” мисраси эркидан маҳрум, тутқун қизнинг руҳий-психологик ҳолатларини тўла намоён этган. Чўлпоннинг озод ватанда ЭРКИН ШАХС ғоявий-эстетик концепцияси ижровий лирика жанрига хос шеърлари пафосига ҳамда ижровий лирика қаҳрамонини яратишдаги поэтик маҳоратига сингиб кетган.

Мустақиллик даври ўзбек лирикасида шаклий ва мазмуний янгилашлар ҳамда тасвир ва ифода имкониятларининг кенгайиши лирикада кечинма субъектининг оламни бадиий идрок этишдаги мушоҳадалари кўламининг бойишига хизмат қилмоқда. Маълумки, лириканинг табиатига хос бўлган “субъективлик” тушунчаси уни бошқа адабий турлардан фарқлаб

туради. Лирик шеърларнинг мазмуний доминанти кечинма экан, “ижровий лирика қаҳрамони лирик кечинманинг ягона субъекти бўлиб қолади. Яъни ижровий лирикада ҳам кечинма “мен” тилидан изҳор қилинади, бироқ бу “мен” энди шоирдан мутлақо бошқа, кечинма субъекти энди тамом “ўзга” шахсдир” [8. 272]. Кўринадики, ижровий лирикада кечинма эгаси шоир автобиографиясидан йироқ. Масалан, Эркин Воҳидов “Ёд этинг” шеърида жангда қурбон бўлган аскар образини яратади. Шеърнинг “(Қурбон бўлган аскар нидоси)” тарзида келтирилган сарлавҳа остидаги изоҳи китобхонда шеърни бадиий идрок этишга замин ҳозирлайди. Мазкур шеър маснавий шаклидаги а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, е-а тарзида қофияланган бўлиб, арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратилган. Шоир ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини ҳозирги шеърятимизда қўллаб, ифода имкониятларини кенгайтиришга эришган: [9,274]

Мен қа-ро туп-роқ-да ёт-ган ўғ-ли-нгиз-ман, ёд э-тинг,
 - V - - - V - - - V - - - V -
 Ин-ти-зор ру-ҳим ти-ло-ват бир-ла йўқ-лаб шод э-тинг
 - V - - - V - - - V - - - V -

Шеърнинг лирик қаҳрамони жангчи аскардир. Шоир ўқувчи кўз ўнгида беаёв жанглarda қурбон бўлган, “олис элларда қолган” ўзбек жангчи аскар қиёфасига кириб, унинг нутқи орқали нидо қилади. Шеърнинг биринчи байтидаги “Интизор руҳим тиловат бирла йўқлаб шод этинг” мисраси якуловчи байт сатрида ҳам такрорланиб, композицион ҳалқани ҳосил қилган. Шоирнинг поэтик ғояси ана шу композицион ҳалқа орасидаги “ёд этинг – шод этинг – бунёд этинг – обод этинг” тарзида келувчи қофияларнинг занжирли боғланиши орқали сатрдан-сатрга ўсиб, ривожланиб борган. Миллат ўзлигини англатиш, халқимизни ор-номус ва ўз шаъни учун курашишга чорлаш Эркин Воҳидов шеърларининг пафосидир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижровий лирикага хос бўлган ижровий характер, асосан, рамка унсурлари: сарлавҳа ҳамда сарлавҳа ости изоҳида юзага чиқади. Ижровий лирикага хос шеърларда сарлавҳалар кўпинча лирик

қаҳрамон номини ўз ичига олади. Эркин Воҳидовнинг “Султонмурод” номли шеъри бунга ёрқин мисолдир. Шеърнинг композицион қурилиши халқ дostonларидаги бахшиёна оҳангни ёдга солади. Шоир ўқувчига ижровий лирика қаҳрамони шахси ҳамда унинг ижтимоий ҳолатини яққол намоён этишда сарлавҳа остидаги изоҳдан кенг фойдаланган. Мазкур изоҳда халқ дostonларига хос сажъ усулининг қўлланиши шоир поэтик маҳорати билан боғлиқ ҳодисадир: “Султонмурод давлатманд одам эди. Сахий, маърифатли бой эди. Совет ҳокимияти унинг мол-мулкини мусодара, ўзини элдан бадарга қилди. Бор-йўғидан, ватанидан мосуво бўлиб, узоқ элларга жўнаб кетар экан, Султонмурод алам ичида шундай сўзларни айтди” [9,112]. Ижровий лириканинг ҳозирги шеърятимизга хос бўлган намуналарида ифода имкониятларининг кенгликлари шеър асосий матнидан сўнг ҳам изоҳ келтирилиши билан ифодаланмоқда.

Бундай ҳолатни мазкур шеър сўнгида ҳам кузатиш мумкин: “Султонмурод шу сўзларни айтиб, отга қамчи босиб, Олатоғдан ошиб, Қашқарга равона бўлди...”. Шеърнинг асосий матни остидаги изоҳида ҳам шоир ўзбек халқ оғзаки ижоди аъналаридан ижодий таъсирланганлиги ва уларга мурожаат қилганлиги кўринади. Маълумки, от мифологик тотем ҳайвон бўлиб, вафодорлик рамзидир. Ўзбек фольклорининг кўплаб намуналарида от култи алоҳида аҳамиятга эга. Халқ достонларида ҳам от образи аънавий образ бўлиб, отда сафарга чиқиш

Эл кўчириб Олатоғдан оширди,
Сирин айтмай душманлардан яширди,
Иккови ҳам тилладандир узанги,
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.

Эркин Воҳидов яратган ижровий лирика қаҳрамони – мустамлака туфайли ўз ватанидан бадарға бўлган маърифатли бой. Шоир шеърнинг асосий матнини Султонмурод нутқи орқали ифода этар экан, элидан бадарға бўлган лирик қаҳрамон алам билан хитоб қилади:

Шафқат этмай бахтим қаро қилганлар,
Шафқатга зор бахти қаролар бўлмай.
Мени ватанимдан жудо қилганлар
Ватанда ватандан жудолар бўлмай...

Мустабид тузум даврида ўз еридан қувилган, бадарға қилинган халқимиз вакиллари чорасиз ҳолда ватандан айро бўлдилар. Уларнинг қисмати, дардли изтироблари, элимизга айтар сўзлари, тарихнинг асл ҲАҚИҚАТлари нидолари орқали сатрларга кўчди. Юқорида келтирилган мисраларда “шафқат”, “бахт”, “қаро”, “ватан”, “жудо” сўзлари такрор ҳолда қўлланиб, шеърнинг ритмик-интонацион тузилишида ўзига хос функция бажарган.

Ҳеч қачон, ҳеч ерда ҳеч кимсага, бас,
Талаб олган ери буюрган эмас,
Ер-сувимни олган нобакор ул кас
Ер устида ерга гадолар бўлмай.

Биринчи мисрада келтирилган “ҳеч” сўзидаги “ҳ” товушининг такрори лирик қаҳрамоннинг оғир хўрсиниқларини ифодалайди. Шеърда такрорланган “ер” сўзи инсон учун муқаддас тупроқ, киндик қони тўкилган гўша, бағрида катта қилган ватан, ризқ берувчи неъмат, бу дунёни тарк этганда, ўз бағрига олувчи макон тимсолидир. Шунинг учун шоир шеърда “ер” сўзига чуқур ижтимоий-фалсафий мазмун юклаган.

Шеър бадийятини таъминлашда шоир “*Лак-лак сургун қилар, зиндонга тиқар*” мисраси орқали “лак-лак”, “зиндон” архаизмларини қўллайди. Бу эса шеърнинг бадий-эстетик хусусиятларини

воқеалари “Алпомиш”, “Равшан”, “Гўрўғли” туркумидаги достонларда ўзига хос услубда баён этилган. Эркин Воҳидовнинг поэтик маҳорати шундаки, халқ достонларидаги отда сафарга чиқиш аънаси ижровий лирика қаҳрамони Султонмуроднинг “отга қамчи босиб, Олатоғдан ошиб, Қашқарга равона бўлиш”ида давом этган. Султонмуроднинг Олатоғдан ошиш воқеаси бевосита халқ достонларида акс этган воқелик заминдан ўсиб чиққан бўлиб, буни “Алпомиш” достонидан келтирилган куйидаги бандда кўриш мумкин:

Хуллас, ижровий лирика характеридаги шеърлар мустақиллик даври ўзбек лирикасининг шаклий-мазмуний янгиланиши ҳамда жанр хусусиятларини белгилашда, ифода имкониятларининг кенгайишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Адабиётлар:

1. Гиппиус. В.В. Некрасов в истории русской поэзии XIX века// От Пушкина до Блока. – Москва: «Наука», 1966. – С.267-268.
2. Корман О.Б. Лирика Н.А.Некрасова. Воронеж: Изд-во. ВГУ. 1964. - 390 с.
Қаранг: <https://bigenc.ru/literature/text/3513752/> Большая российская энциклопедия.
3. Бройтман С.Н. Русская лирика. XIX – начала XX века в свете исторической поэтики. –Москва: Изд-во. РГГУ. 1997. 310 с.
4. Қуроноф Д., Мамажоноф З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент, “Akademnashr” , 2013. –Б.110.
5. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони. (Девону луғотит турк). Уч томлик. III том. – Тошкент: Ўзфанакаднaшр, 1963. –Б.194.
6. Қуроноф Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: “Akademnashr”, 2018. – Б.39.
7. Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати. – Latvia: GlobeEdit, 2020. – Б.35.
8. Қуроноф Д. Адабиётшунослик назарияси асослари. –Тошкент: “NOSHIR”, 2019. - Б. 272.
9. Эркин Воҳидов. Тўла асарлар тўплами. 3-жилд. – Тошкент: “Sharq”, 2016. – Б.54.
10. Солижоноф Й. Шоир ижодида миллий озодлик мавзуси// То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов: ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Тошкент: “O‘ZBEKISTON”, 2016. – Б. 479.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)